

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишيني тугатиши тўғрисида)

2026 йил 26 февраль куни Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бўка туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: М.Юсупов,

судья ёрдамчиси А.Очиловнинг котиблигида, тарафлардан Бўка туман прокурори ёрдамчиси О.Эркабоев, судланувчи Т.Э.Қ. ва жабрланувчи А.Х.ларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан:

Т.Э.Қ. – 01.11.19... йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, муқаддам судланмаган, Бўка тумани “...” бўлимида ишчи, Тошкент вилояти, Бўка тумани “...” м.ф.й, ... кўчаси ...-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида”ги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини олганга

нисбатан 1-1105-2601/1-сонли жиноят ишيني кўриб чиқиб, суд тарафларнинг кўрсатувларини, ишда қатнашаётган прокурор фикрини эшитиб, жиноят иш хужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов хужжатларига кўра, судланувчи Т.Э.Қ. 2025 йил 14 ноябрь куни соат 21-00 да, Бўка тумани тиббёт бирлашмасига қарашли ... даволанаётган вақтида, шу ерда даволанаётган А.Х. ундан тефал сўраганлиги сабабли, унга “жонга тегдинг ўзларинга бошқа тефал олсанг бўлмайдими” деб айтган пайтида, А.Х. уни турли сўзлар билан ҳақоарт қилиб, бир-бирлари билан ўзаро тортишиб қолишиб, ушбу жанжал давомида А.Х.нинг бурун соҳасига боши билан бир неча маротаба уриб, унга нисбатан қасддан енгил тан жароҳати етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 26.11.2025 йилдаги 1078-сонли хулосасига кўра, жабрланувчи А.Х.га оғирлик даражасига кўра “Енгил” даражадаги тан жароҳати етказилган.

Дастлабки тергов даврида судланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан айбланувчи тариқасида жалб этилган.

Судланувчи Т.Э.Қ. судга ариза билан мурожаат қилиб, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишيني тугатишни сўраган.



Жабрланувчи А.Х. судга ариза билан мурожаат қилиб, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд судланувчи Т.Э.Қ. ва жабрланувчи А.Х. томонидан берилган ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчини айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, ишдаги тарафларга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув тарафларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда мазкур жиноят Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, судланувчига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи А.Х.га Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд тарафидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд ажрим қилади,

## **А Ж Р И М**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Т.Э.Қ.га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми талабида айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Т.Э.Қ.га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.Х. томонидан берилган ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги аризаси инobatга олинсин ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилсин.



Суднинг ажримига ўн кунлик муддат ичида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

М.Юсупов

Нусхаси аслига тўғри:

